

ТАНГИРОВ Обид Эшмахматович,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
tangirovobid8383@gmail.com

ТОШКЕНТДАГИ ИЛК МИЛЛИЙ ГАЗЕТАЛАР ТАРИХИГА ДОИР

ИСТОРИЯ ПЕРВЫХ НАЦИОНАЛЬНЫХ ГАЗЕТ В ТАШКЕНТЕ

THE EMERGENCE OF NATIONAL NEWSPAPERS IN TASHKENT: A HISTORICAL OVERVIEW

Аннотация. XX аср бошларида Тошкент шаҳрида жаҳид мутафаккирларининг сайи-ҳаракатлари билан дастлабки миллий газеталар нашр этила бошланди. 1906 йил 27 июнда нашрдан чиққан “Тараққий” газетаси биринчи миллий руҳдаги ўзбек газетаси сифатида тарихда қолди. Шундан сўнг Тошкент шаҳрида миллий руҳдаги мақолалар ва чиқишлар билан “Хурийд”, “Тужжор”, “Шухрат”, “Осиё” газеталари ҳам турли муддатларда фаолият юритган.

Таянч сўзлар: миллий, жаҳид, газета, мақола, тошбосма, ҳомий, мустамлака, хуррият.

Аннотация. В начале XX века в городе Ташкент стараниями современных мыслителей начали издаваться первые общенациональные газеты. Газета «Тараққий», вышедшая 27 июня 1906 года, вошла в историю как первая узбекская газета национального духа. После этого в Ташкенте в разное время действовали газеты «Хурийд», «Тужжор», «Шухрат», «Осиё» со статьями и выступлениями в национальном духе.

Ключевые слова: национальный, джаҳид, газета, статья, литография, спонсор, колония, свобода.

Annotation. In the early 20th century, Tashkent witnessed the emergence of its first national newspapers, driven by the efforts of modern thinkers. “Taraqqiy”, published on June 27, 1906, holds the distinction of being the first Uzbek newspaper with a national ethos. Subsequently, newspapers such as “Khurshid”, “Tujjor”, “Shuhrat” and “Osiyo” featuring articles and speeches imbued with national sentiments, were active in Tashkent at various times.

Keywords: national, jadid, newspaper, article, lithograph, sponsor, colony, freedom.

КИРИШ

Туркистонда изчил ҳаракатлар даври бўлган XX аср бошидаги миллий-маданий янгиланишлар ва жаҳидчилик ҳаракатининг ғоялари аввало жаҳид матбуотида эълон қилиб борилган. Маърифатпарвар зиёлилар ўз фикр ва қарашларини даврий нашрларда мақолалар, фельетонлар орқали омма эътиборига ҳавола этиб турган. Жумладан, таълим соҳасидаги, театр ва санъат, адабиётдаги ижодий ишлари матбуотда эълон қилиб борилган жамиятдаги жараёнларга ўз муносабатларини билдириб борганлар.

Жаҳидчилик ҳаракатининг туб моҳияти, истибоддан хуррият сари олға сурилган ғоявий курашлар жаҳид газета ва журналларида ошқора ва пинҳона маърифатпарвар муаллифлар томонидан баён қилинган. Шунинг учун ҳам жаҳидчилик ҳаракати асосий мақсад ва интилишларини ўрганишда улар яратиб кетган матбуот нашрлари муҳим аҳамият касб этади.

Туркистон жаҳидчилиги бошқа соҳаларда кўрсатган фидойилиги билан бирга Ўзбекистон тарихида миллий матбуотга асос солганлиги жиҳатидан ҳам эътиборга моликдир. XX аср бошларида жаҳидлар яратган миллий руҳдаги илк матбуот намуналари дастлаб Туркистон ўлкасининг маркази – Тошкент шаҳрида нашр этила бошланган. Кейинги йилларда Самарқанд, Фарғона, Қўқон, Бухоро, Наманган

каби йирик шаҳарларда ҳам жадидлар газета ва журналлар босиб чиқарган бўлсаларда, лекин жадид матбуотининг илмий маркази сифатида Тошкент шаҳри ажралиб турган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Тошкентда “Тараққий” газетаси нашр этила бошланишидан олдин “Тараққий, Ўрта Осиё умргузаронлиги” номли газетаси ҳам босилиб чиққан. Бу газета Туркистон жадид матбуотининг юзага келишида асосий вазифаларидан бири сифатида қараш мумкин. Чунки газета саҳифаларида жадид намоёндаларимизнинг ҳам мақолалари ҳам босилиб турган. Зиё Саид бу ҳақда: “(Туркистон – О.Т.) Генерал-губернатор ўзига яқин бир кишини муҳаррир шарти билан жадидларга газета чиқаришга ижозат беради, 1905 йилги маълум озодликлардан сўнг дунё кўрган Ўрта Осиёнинг умр кезарлиги (умргузаронлиги – О.Т.) Тараққий газетаси “жадид”лар, “ислом”чилар оқимининг тилаклари, фикрлари, ғояларини генерал-губернаторни маълум шарти орқасида кўтариб майдонга чиқади” [3:33], - деган фикрни билдиради.

Аммо бу газета генерал-губернатор таъсири остида бўлгани учун, жадидлар ўзларининг тараққийпарвар ғоялари ва мустақил фикр-мулоҳазаларини нашр эта олмаган. Шунинг учун ўз ғояларини мустақил билдириш имкони бўлган эркин тусдаги миллий газетага эҳтиёж катта эди. Бунинг амалий ҳаракатчиларидан бири тошкентлик маърифатпарвар Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли бўлган. “Иван Гейер ноширлигида илк бор ўзбек тилида чоп этилган “Ўрта Осиёнинг умргузаронлиги “Тараққий” ва “Тараққий” газетасининг чиқишида ҳам Мунавварқорининг хизмати катта бўлган [1:27].

Туркистон жадид зиёлилари миллий газета чиқариш йўлида изланишлари самараси сифатида 1906 йил 27 июнида Тошкент

шаҳрида “Тараққий” номли газета чиқаришга эришдилар. Айни шу кун Ўзбекистон мустақилликка эришгач, миллий матбуот куни этиб белгиланган. Ҳатто совет тузумининг оғир давларида бўлса ҳам атоқли драматург, ёзувчи ва журналист Зиё Саид “Тараққий” газетасини Туркистон жадидларининг энг севиқли ва тўнғич газетаси деб номлайди [3:40].

“Тараққий” таҳририяти ўша вақт Тошкент шаҳар Ўратепа кўчаси 97-уйда жойлашган. Газета баҳоси бир йилга 5 сўм, олти ойлиги 2 сўм 50 тийин, 3 ойлиги 1 сўм 50 тийин, бир ойлиги 50 тийин бўлиб, бир донаси 5 тийиндан сотилган.

Газетада реклама сифатида эълонлар ҳам босилиб, биринчи саҳифада 40 тийиндан, охириги саҳифада эса 20 тийиндан тўланган.

“Тараққий” газетаси нашр этилиш харажатлари Иван Гейер газетаси маблағи ҳисобига нашр этилганлигини А.Авлоний 1924 йил “Туркистон” газетасининг 295-сониде эълон қилган. “Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи” мақоласида шундай баён қилган: “Тараққий” газетаси Иван Гейернинг тўхталғон газетаси ўрнига чиқди, деса мумкиндир. Унинг обуначиларининг қолға ҳақиқа “Тараққий” газетаси юборилди”.

Газета 1899 йил Тошкентда В.Ильин томонидан ташкил этилган хусусий босмахонада нашр қилинган. “Тараққий” газетаси миллий хурлик, эркинлик ғояларини илгари суришлиги билан Туркистон жадидларининг илк газетаси ҳисобланади.

“Тараққий” газетаси шиори: “Нажот: маслакда сабот; тўғрилиқна ижобат” деб номланган. Фаолияти “илмий, адабий, сиёсий, тижорий газета” бўлган. Газета муҳаррири Туркистон жадидларининг ҳаммаслакларидан бири Исмоил Обидий эди. Унга Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли ёрдамчи бўлган. Исмоил Обидий асли Шарқий Туркистоннинг Ғулжа шаҳридан туғилган. 1887 йил отаси вафотидан сўнг етти ёшида оиласи Қозон шаҳрига кўчиб келишган. 1905 йилги инқилобий ҳаракатлар

туфайли Қозондан Тошкент шахрига сургун қилинган. Исмоил Обидий Тошкентда ҳам миллий маърифатпарвар жадиждлар сафига қўшилди ва илк Туркистон миллий матбуоти вужудга келишига бош-қош бўлди.

“Тараққий” газетасида Исмоил Обидий ва Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли билан бирга Шокир Мухторий, Исмоил Али, Малзу ал Фикор, “Қаламқаш” каби публицистлар ўз мақолалари билан иштирок этиб турганлар.

“Тараққий” фаолияти узоққа чўзилмади. Атига 20 сонигина дунё юзини кўрди. Аммо нафақат Тошкентда, балки бутун Туркистон миқёсидаги илк миллий-тараққийпарвар газета мана шу оз вақт давомида катта ютуқларга эриша олган. Энг муҳими Туркистон тарихида биринчи бор миллий эркин фикрлар илгари сурилган газета сифати нашр этилган ва минтақада матбуотга тамал тошини қўйган.

Аслида газета катта мақсадларни ўз олдига қўйган. Жумладан: “биз бир монё сабабидан газетамиз бир оз вақтгача қадимий тараққий исми ила таслим қилинуб нашр этулса ҳам иншоллоҳ тез фурсатда “Шарқ” исми ила тасмиҳ қилинур” [4:1] - деб “Тараққий”нинг илк сониди маълум қилган эди. А.Чўлпон, А.Авлоний, Зиё Саид каби миллий матбуот тарихи ҳақида ёзганлар “Тараққий” газетасини ҳукумат томонидан ёпилганини қайд қилган. Ҳақиқатдан озодлик, эркинлик ғоялари кўтарилган хур фикрли мақолалар империя амалдорларига ёқмаслиги аниқ эди.

“Тараққий” газетаси фаолияти тўхтагандан бир неча кун ўтиб Тошкент шахрининг Занжирлик маҳалласида Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли “Хуршид” газетасини чиқара бошлайди.

“Хуршид” ҳафтасига бир марта “тезда 2-3 бор чиқадурғон илмий, адабий, сиёсий, маиший туркча” газетадир. “Хуршид” газетаси тошбосмада саккиз саҳифада эълон қилинган. Зиё Саид тўртта сони тошбосмада, қолгани миҳ босмада босилганин ёзади [3:41]. Баҳоси бир йиллиги 3 сўм, олти ойга бир сўм 50 тийин,

тўрт ойга бир сўм, бир донаси 5 тийин бўлган.

“Хуршид” газетаси фаолияти ҳақида А.Чўлпон: “Бу газета икки ой қадар давом этиб, ўн бешинчи нўмердан шу ҳукумат тарафиндан бекитилди” [9:20] - деган маълумотни берса, Абдулла Авлоний: “18-сонга етканда идорасида бир неча қатла тинтув ясалиб, ниҳоят бу ҳам фавқулодда сақлаш идораси томонидан тўхтатилди,” [2:3] - дейди.

Россия империяси амалдорларидан бири Тошкент шаҳар бошлиғидан “Хуршид” газетаси ҳақида сўраганида, унга қуйидаги жавобни берганлиги архив ҳужжатларида келтирилган: “Хуршид” газетаси соф ўзбек тилида 1907 йил чиққан, муҳаррири Шайх Хованди тоҳур даҳасининг Дархон маҳалласида истиқомат қилувчи Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли, ёрдамчиси Фансуруллабек Худоёрхон (Қўкон хони) ўғли ва котиби Падаркуш маҳалласида яшовчи мулла Муҳаммад Муҳиддинхўжа ўғли. Газета 6-7 ой мобайнида чиқиб, ҳукуматга қарши мақолалари ҳамда хитобномалари учун ёпилган. Газета жуда сўл йўналишда бўлиб, обуначилари сони 300 дан зиёд эди” [7:165].

Юқоридаги маълумотлардан шуни англаш мумкинки, “Хуршид” газетаси икки ой фаолият юритган дейиш тўғри бўлмайди. Шунингдек, яна 6-7 ой фаолият юритган деб Тошкент шаҳар бошлиғи энг кам ҳолатда айтишга ҳаракат қилган. “Хуршид”дан кейин чиққан “Тужжор” газетасини 1907 йил август ойидан нашр этила бошланганини инобатга олсак, балки газета ундан ҳам кўп фаолият олиб борган ва кейинги сонлари маълум бир сабаблар билан йўқ қилиб юборилгандир. Энг муҳими “Хуршид” газетасининг бир неча сонлари сақланиб қолган бўлиб, бу нашр ҳақида маълум бир тасаввурга эга бўлишга ёрдам беради.

“Хуршид” газетаси миллий тараққийпарвар ва маърифатпарвар жадиждларнинг ғоявий бирлашишига замин яратди. Унинг муҳаррири Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли ва моддий етакчиси Фансуруллабек Худоёрхон

ўғли билан биргаликда Абдулла Авлоний, Комилбек Норбек ўғли, Каримбек Норбек ўғли, Муҳаммаджон Пошшахўжа ўғли, Н.Хусаинов, Н.Хўжаев, Тўлаган домла кабилар шулар жумласидандир.

Газета аҳолининг онгини ошириш, хурлик ва озодлик ғояларини илгари сурди. Унинг фаолиятига Россия империяси амалдорлари қатъий қарши чиқишди. Шу туфайли “Хуршид” газетаси фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди.

Тошкент шаҳрида матбуотнинг ривожланишига маҳаллий зиёлилар билан бирга саховатли мулкдорларнинг ҳам ҳиссалари каттадир. 1907 йил 21 августдан тошкентлик йирик савдогар Саидкаримбой Саидазимбой ўғли муҳаррирлигида “Тужжор” газетаси нашр қилина бошланди. “Тужжор” сўзининг маъноси “савдогар” деган маънони билдиради.

Газета Тошкент шаҳар Петербург кўчасида Саидкарим Саидазимбой ўғлининг уйида чоп этилган. “Тужжор” “миллий, сиёсий ва маиший газетаси исломия” бўлиб, ғояси жиҳатидан “Тараққий” ва “Хуршид” газеталари йўлидан бориб мақолалар чоп этган.

Баҳоси бир йиллиги 5 сўм, олти ойлиги 3 сўм, уч ойлиги 1 сўм 60 тийин, бир нусхаси 6 тийин бўлган. Реклама сифатидаги эълонлар аввалги саҳифада ҳар сатирига 16 тийиндан, охириги саҳифада 10 тийиндан босилган.

“Тужжор” газетасининг вужудга келиши ҳақида Саидкарим Саидазимбой ўғли “Матбуот илми” мақоласида қуйидагиларни ёзади: “Ўтган йил Исмоил Обидий, Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли “Тараққий” ва “Хуршид” газеталарини нашр этсалар ҳам ҳакумат ҳазорага (идорага-О.Т.) муҳолиф (б) ўлғонлари сабабли газеталари тўхтатилди. Туркистон мусулмонлари бинадин матбуотсиз гўё тилсиз, қулоқсиз қолдилар, ман эмас кўп замонлардин бери суюқлик миллатимга холис бир хизмат этмак орзусида эдим. Лекин на йўл ила яхшироқ хизмат этмак (б)ўлур му(м) кин деб фикр ва андиша қилмоқда эдим. Эмди

билдимки, Туркистон мусулмонлари ҳеч бир нарсага ўз тилларида ёзилмиш бир газета каби муҳтож эмас эканлар” [5:1]. Демак, Саидкаримбой фақат савдогаргина эмас, ўз халқини ўйлайдиган, уларнинг манфаатлари учун хизмат этишни ўзига бурч деб билган миллатпарвар бўлган. Совет даврида олиб борилган тадқиқотларда мустабид сиёсат туфайли “Тужжор” газетасига холис баҳо берилмаган.

“Тужжор” газетасида Мулла Ҳошим исмили зиёли бир шахс фаол иштирок этиб муҳаррирга яқиндан ёрдам берган. “Тужжор” газетаси уч тўрт ой давомида фаолият олиб бориб, 36 та сони чиққанлигини мутахассислар таъкидлашган.

Туркистон жадидларининг Абдулла Авлоний “Шухрат” номи остида 1907 йил 4 декабридан Тошкентда газета чиқара бошлади. Бу нашр ғоявий жиҳатдан “Тараққий”, “Хуршид”, “Тужжор” газеталарига жуда яқин бўлиб, хур фикрликни тарғиб этиш, маърифатпарварлик, эрқпарварлик, миллатпарварлик тараннум этилди.

“Шухрат” газетаси “ҳафтада 2 марта чиқадиган миллий, адабий, фанний, сиёсий газета”дир. Газета таҳририяти Тошкент шаҳрида Абдулла Авлонийнинг уйида, Саперная кўчаси, 35-уйда жойлашган.

“Шухрат” газетасида муҳаррир билан бирга Бехбудий, Мунаввар қори, Турсунхўжа Ҳамидхўжа ўғли, Мулла Қўшоқ (шоир) ва Қозон шаҳридан Рафиқ Собир ўғли ҳам фаолият олиб борганлар.

Газета фаолиятининг интиҳоси ҳақида А.Авлонийнинг ўзи қуйидагиларни ёзади: “газетанинг тўхталишига сабаб: газета ходимларининг орқасига жуда кўп айғоқчилар қўйилиши сезилгандан кейин Рафиқ Собир турли йўллар билан бу ердан қочирилди. Бу киши Оренбургда ҳукумат қўлига тушиб, ҳарбий суд томонидан ўлимга ҳукм этилди. Бу кишига Тошкентдаги қўмитанинг сирини очиб берса, ўлим жазосидан қутилиши

билдирилгандан кейин, виждонига хиёнат қилиб, Тошканд темир йўл қўмитасининг сирини очиб бериб, қанча кишининг ёстиғини қуритишга ва бир қанча кишиларнинг Сибирга ҳайдалишига сабаб бўлди. Шухрат газетаси 15-сонини тўлдирилганда, бор нарсаси ҳукумат томонидан мусодара қилиниб, ўзи тўхтатилди” [2:3].

1908 йил апрель ойидан “Осиё” газетаси нашр қилина бошланди. Мухаррири “Вақт” (Оренбург) газетасининг Туркистондаги мухаррирларидан Аҳмадjon Бектемир ўғли эди. “Осиё” газетаси “Шухрат” ҳукумат томонидан тўхтатилган сўнг унинг сармояси ҳисобидан чиқарилган.

“Осиё” газетасида “Улфат” (Петербург) газетаси мухаррири Абдурашид қози Иброҳим ўғлининг ҳам мақолалари босилиб турган. Чунки у киши “Рашид қози” номи билан машҳур бўлиб, жади́дчилик ҳаракатининг йирик намоёндаларидан эди. У “1917 йилда Россия мусулмонларининг эрк ва озодлик, мустақиллик ҳақидаги интилишларини дунё халқларига етказиш учун Стокгольм (Швеция) га юборилгани маълум” [6:51].

“Осиё” газетаси ҳам ҳурфикрли ғояларни тарқатгани учун ҳукумат томонидан 6-номердан кейин ёпилди.

ХУЛОСА

1908 йилдан кейин газетачилиқда маълум узулиш бўлди. Россия империяси ҳукумати сўз, матбуот эркинлигига ҳаддан ташқари каттиқ қаршилиқ кўрсатди.

1914 йил Тошкент шаҳрида “Садои Туркистон” газетаси, 1917 йил “Нажот”, “Кенгаш”, “Шурои ислом”, “Турон”, “Турк эли”, “Улуғ Туркистон”, “Турк сўзи”, “Туркистон халқ мусулмон доруфунини” каби газета-лар нашр этилган.

Биз юқорида санаб ўтган нашрлар Тошкент шаҳрида миллий тараққийпарвар жади́длар томонидан ўзбек тилида нашр этилган газета-

лар эди. Миллий маданият, миллий мустақиллик ғояларини тараннум қилувчи жади́д нашрлари империя ҳукуматининг тазйиқларига дучор бўлиб, фаолиятлари узокқа чўзилмади. Бирок, бу газеталар қисқа фаолият олиб боришига қарамасдан тараққийпарвар зиёлиларнинг фидойилигини кўрсатиб берадиган, давр тарихини холисона ўрганишда муҳим манба сифатида аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган Адабиётлар рўйхати

1. Абдурашидхонов М. Танланган асарлар / Нашрга тайёрловчи Сироҷиддин Аҳмад. – Тошкент: Маънавият, 2003.
2. Авлоний А. Бурунги ўзбек матбуоти тарихи // Туркистон, 1924, № 295.
3. Зиё Саид. Танланган асарлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974.
4. “Тараққий” газетаси, № 1-сон.
5. “Тужжор” газетаси, № 1-сон.
6. Қосимов Б. Миллий уйғониш. – Тошкент: Маънавият, 2002.
7. ЎзР МА, 461-жамғарма, 2-рўйхат, 1988-иш. 165-варақ.
8. Холбоев С. Миллий университетнинг тарихий илдизлари ва ташкил топиши. – Тошкент: Шарқ, 2003.
9. Чўлпон А. Туркистонда матбуот // Жамият ва бошқарув. 1998, № 2.